



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЖАРҚҮРФОН ТУМАНИ КЕНГАШИННИҢ НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИ



2022 йил 4 июл куни Халқ депутатлари Жарқүрғон тумани Кенгашининг навбатдаги 44-сессияси бўлиб ўтди. Уни туман ҳокими Б.Ўрақов бошқариб борди. Сессияда туман Кенгashi депутатлари, сектор раҳбарлари, туман ҳокими ўринбосарлари ҳамда текишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этдилар.



Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 8-августдаги ПҚ-3182-сонли ҳамда 2019-йил 8-январдаги ПҚ-4102-сонли қарорларига асосан бириктирилган ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ҳамда 2021-йил 28-апрелдаги 250-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг моддий ёрдам кўмакка муҳтож оиласаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қарори ва белгиланган йўл харитасининг сектор ҳудудида 2022-йилнинг 1-ярим йиллик мобайнида амалга оширилган ишлар тўғрисида сектор раҳбарларининг ҳисботлари тўғрисида сектор раҳбарларининг ҳисботи тингланди.



Қонунчиллик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида туман ҳокимининг ҳисботи, Жиноятларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан туман ички ишлар бўлими бошлиғининг 2022-йил 2-чорагида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисботи ҳақида туман Ички ишлар бўлими бошлиғи Ш.Алламуродовнинг ҳисботи ва кун тартибидаги масалалар бўйича масъул раҳбарларнинг ҳисботлари тингланиб тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жарқўрғон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.